



ҚАРОР

2005 йил «28» декабр

№ 353-қ

Туман Нурунийлар жамгармасига
«Нурунийлар боги» ни яратиш
максадида ер майдони ажратиш
туғрисида

Тумандаги Нурунийлар жамгармаси раиси Абдурахмон Шариповнинг хатини инобатга олиб ва Улус ширкат хужалиги аъзоларининг 2005 йил 10 мартдаги 1-сонли умумий йигилиш қарори ва ер участкаларини бериш масалаларини куриб чиқиш буйича туман комиссиясининг хулосасини куриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Улус ширкат хужалигининг 2506-контурдан 1,5 гектар сувли ҳайдаладиган ер майдонидан «Нурунийлар боги» ни яратиш учун 10 (ун) йил муддатга ижарага берилсин ва Улус ширкат хужалиги аъзоларининг 2005 йил 10 мартдаги 1-сонли умумий йигилиш қарори ҳамда ер участкаларини бериш масалаларини куриб чиқиш буйича туман комиссиясининг хулосаси тасдиқлансин.

2. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастр хизмати бошлиғи Н Куйлиевга ушбу қарорнинг ижросини таъминлаш ва ижара шартномаси тузиб ер балансига узгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Ушбу ажартилган ер майдонидан бино ва иншоотлар куриш ҳамда богдорчиликдан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади ҳамда бу ажратилган ер майдонидан олинган маҳсулотлар ҳисоботини олиб бориш Нурунийлар жамгармаси раиси А. Шариповга юклатилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман кишлоқ ва сув хужалиғи булими бошлиғи М. Бекназаровга юклатилсин.

5. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини куриб чиқиш буйича вилоят комиссиясидан суралсин.

Туман ҳокими:

Ж.Ибрагимов.